



Хаво киш ўлдигиндан гоят совук эди. Кўчалар билчираб битган, бутун атрофни балчиклар ифлос килиб ташлаган эди. Шул балчикларнинг ўртасиндан, балчикларга ботган, кийимлари йиртилган, икки кўзи ногажо бир етим бола кўлида асо ушлаб келмокда эди. Лекин бу етим болани кўрган инсон хар кандай хамиятсиз бўлса хам рахми келур эди.

Мени ёнимдаги зиёлилар «назар-диккатларина жалб этдирдилар». У етим бола бизларга якин келди-да, шул ерда одамлар борлигини билмиш каби карамакга бошлаб бизларга карши маъюслик бирлан шундай деди:

— Таксирлар, менга шафкат этиб бир оз маованат килингизлар! — дедиги бирлан ман ёнимдаги зиёлиларни бир нарса бермакларини таклиф этдим. Маним бу таклифим А. афандига ўхшамадигиндан манга тахкир назари бирлан бир караб олдигиндан сўнгра бу етим болага караб шўйла дедилар:

— Сен ёшсан. Куч ва кувватинг бор, ўки, мардикор ишла, андин сўнгра пул топилур, — деб катъий сўзламишдилар. Заволли бола йиглаб ёлингон товуш бирлан:

— Ўргулай почча, ўкий десам кўзларим кўр, мардикор ишламак мумкин эмас, балчикдардан юролмайман, корним оч, таом егани кудратим етмайди. ... нима килай? — дедиги аснода А. афанди гоятда шиддатли этиб шундай дедилар:

— Овруполиклар кўр, кулоксиз кар ва хоказо ўкумоги мумкин бўлмагон инсонларга махсус этиб мактаблар очгонлар ва у мактаблардан кўр, карлардан ўкуб чикгон ин-сонларнинг хад ва хисоби йўк, сан хам шундог мактабда ўки.

Шундог деб эрдилар, зиёлилар кахкаха этиб кулуб юбордилар. Ман хам шу сўзларни сўзладим:

— Сиз бу сўзларингизни кайси ерда сўзларсиз? Берлиндами ва ё Лундундами, ўзингизни зан этурсиз... аклингиз кайси ерда? — деб эрдимки, А. афандининг чехралари буришиб, ачиглари бирлан манга караб:

— Сан ёшсан, хали санга гап тушгани йўк, — деб эрдилар, ман жавобан:

— Афандим? Бу вақтда ёшга карамайди, хар бир киши фикр, акд, зехн, хизмат, хамиятга караб колгондир.

Зиёлилар хам А. афандининг сўзларина гоят даража мукаддир бўлдилар. Вужудлари титрамакга бошлади. Мани хам хамиятим кайнай бошлади ва зиёлиларга карши:

— Ажабо! Бизлар ўн-ўн беш киши иттифок этиб, шу етим болани тарбия килсак бўлмайдами? — дедигим вақтда Н. ва Й. афандилар масрур бўлиб кабул этган каби бошларини кимилдотдилар-да, сўнгра шуни илова этдилар:

— Сўзладигингиз тўгри, аммо А. афанди келсунлар, сўнгра музокара этамиз.

Бу сўзларина карши А. афанди гоят вахшиёна бир назар бирлан:

— Сизлар ўзингизни зиёлиман дейсизлар, аммо ... килгон ишларингиз ҳеч бири зиёлларнинг ишларига ўхшамайди?

Факир А. афандининг бу сўзларина гоят даража хафа бўлиб, шундог дедим:

— Демак, сизнинг занингизча, зиёли бўлмак учун хамиятсиз, раҳимсиз ўлмак лозимдирми?.. Агарда зиёли бўлмак учун шу шарт лозим эса, балки, сизни зиёли ўлмокингиз лозимдир. Бизнинг занимизга зиёли ўлмак гоят мушкул бир нарсадир. Зиёли Миллат, Ватан нима эдигини билур ва зиёли миллат учун жонини, молини фидо этар ва миллатнинг тараккийси учун доимо ҳаракат этар. Вақти келганда, миллат учун ўзини ҳалокат вартасина ташламакга мухайё бўлур. Сизнинг билмагингиз лозимдирки, бизнинг миллатимизга садо ва сўз бирлан зиёли номини олгон инсонлар лозим эмас. Балки, хизмати, ҳаракати, ёрдами ва ҳиммати бирлан зиёли номини олгон инсонлар лозимдир. Йўқ эса, «Миллат», «Ватан», «Маданият» — шунга ўхшаш сўзларни билмак билан инсон зиёли бўлмайди. Агарда шунларнинг маънисини сўрар эсам, балки билмасангиз деб эрдим, А. афанди гоятда хафа бўлиб, биздан ажралдилар. Биз ҳам буни кўриб, кулиб колдук. Бирда карасам заволли бола бир деворга суянмиш ётиюр.

— Сан ҳозирча бориб тур. Эрта ва ё бириси кун кел. Ул вақтда сани ўз ёнимизда тарбия этамиз!

— Раҳмат, раҳмат, Худо хайр берсун, — деб кетди. Бизлар ҳам иттифок бирлан ҳар биримиз ҳар тарафга,

А. афандини холига таассуф этуб таркалдук.

## **Мухаррам**

*«Садойи Туркистон» □ 58, 1915 йил 6 феврал*